

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2023-1/3

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2023

Бош муҳаррир:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Тахрир ҳайати:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.
Абдуллаев Баҳром Исмоилович, ф-м.ф.д.
Абдуллаев Равшан Бабажонович, тиб.ф.д., проф.
Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович, т.ф.д., проф.
Агзамова Гулчехра Азизовна, т.ф.д., проф.
Аимбетов Нагмет Каллиевич, и.ф.д., акад.
Аметов Якуб Идрисович, д.б.н., проф.
Бабаджанов Хушнот, ф.ф.н., проф.
Бекчанов Даврон Жуманазарович, к.ф.д.
Буриев Хасан Чутбаевич, б.ф.д., проф.
Ганджаева Лола Атаназаровна, б.ф.д., к.и.х.
Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.
Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.
Дўсчанов Бахтиёр, тиб.ф.д., проф.
Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.
Жугинисов Тангирберген Исаевич, б.ф.н., доц.
Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич, ф.ф.н., доц.
Жуманов Мурат Арепбаевич, д.б.н., проф.
Кадирова Шахноза Абдухалиловна, к.ф.д., проф.
Каримов Улугбек Темирбаевич, DSc
Қутлиев Учқун Отобоевич, ф-м.ф.д.
Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.
Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.
Махмудов Рауфжон Баходирович, ф.ф.д., к.и.х.
Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.
Мирзаева Гулнара Саидарифовна, б.ф.д.

Пазилов Абдуваеит, б.ф.д., проф.
Рахимов Раҳим Атажанович, т.ф.д., проф.
Рахимов Матназар Шомуротович, б.ф.д., проф.
Рашидов Негмурод Элмуродович, б.ф.н., доц.
Рўзбобоев Рашид Юсупович, тиб.ф.д., проф.
Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.
Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.
Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.
Сапарбаева Гуландам Машариповна, ф.ф.ф.д.
Сапаров Каландар Абдуллаевич, б.ф.д., проф.
Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.
Сотипов Гойипназар, қ/х.ф.д., проф.
Тожибаев Комилжон Шаробитдинович, б.ф.д., академик
Холлиев Аскар Эргашевич, б.ф.д., проф.
Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.
Чўпонов Отаназар Отожонович, ф.ф.д., доц.
Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.
Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.
Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.
Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.
Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.
Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.
Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.
Худайбергана Дурдона Сидиқовна, ф.ф.д.

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№1/3 (97), Хоразм Маъмун академияси, 2023 й. – 153 б. – Босма нашрнинг электрон варианты - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

МУНДАРИЖА
ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Alieva N. Conceptual foundations for the study of phraseological units and collocations in english, russian and uzbek	5
Aytmuratov A.M. Raqamli texnologiyalar sohasidagi yangi terminlarning til ilmi sohasidagi ahamiyati	7
Bekmurodova F.N. Translation issues of linguacultural concepts in novels	11
Haydarov A.A., Mansurova D. So'zlashuv va badiiy nutqda intonatsiyaning roli	14
Haydarov A.A., Mo'minova R. Antroponimlarni tahliliy o'rganish	17
Haydarov A.A., Ro'ziyeva N. Konnotativ ma'noning nutq birliklarida ifodalanishi	19
Haydarov A.A., Sattorova Sh. Modallikning ifoda vositalari	22
Husaynova M.M. O'zbek milliy latifalari matnining leksik-stilistik xususiyatlari	24
Ishqobilova H. The concept of value in linguistic culture and its brief analysis within the concepts of "hospitality and solidarity"	26
Ismoilova O.I. HNP ₂ komponenti o'rnida kelgan ikki valentli elementlar ifodalagan sintaksemlar	29
Jurayeva N.G. Mumtoz she'riyatning nazm tuzilishiga bir nazar	33
Khakimova M.F. The literary translation of the passage from A. Mukhtar's novel "Platan"	37
Kutlimuratova G.K. Konsepsiya maydon qurilishi haqida	40
Makhammadov B. Ingliz tilidagi AOTMI terminlarining genetik xususiyatlari	42
Mahmudjonova M.X. Sintaktik sathda valentlik nazariyasi haqida ayrim mulohazalar	47
Mavlonova M.M. Pedagogical strategies of improving english in andragogy education	50
Minniqulov I.U. Tilshunoslikda aksiologik yondashuvning nazariy-metodologik asoslari	53
Mirzazoda D.M. O'zbek tilida suyish funksional-semantik ma'nosining gender xususiyatlari	56
Nurjanov O. O'zbek tili etnografik leksikasining dialektal xususiyatlarini o'rganish muammosi	60
Qodirova M., Soqiyeva Sh. Pronominal murojaat shakllarida implikaturaning roli	62
Qulniyozova Sh.N., Uralova O.P. O'zbek va ingliz tillarida kosmonimlar hosil bo'lishining linguokulturologik xususiyatlari	65
Sabirova N.E. Xorazm dostonchiligi rivojida Ustoz-shogirdlik an'analari	67
Saparova Q.O., Irgasheva U.A. Xitoy tiliga oid til materiallarini baholash xususiyatlari haqida	71
Sapayeva F.N. Xorijiy tillarni (ingliz tili) o'zlashtirishda o'yinlar orqali og'zaki nutqni rivojlantirish	74
Sharipova M.B. "Alpomish" dostonida nikoh to'yi urf-odatlarini tasviri va talqini	77
Shokarimova K.A. Poetik matnlarda vizualizatsiya darajalari	81
Sobirov M.M. About learner's dictionaries of uzbek language	83
Turdimurodov S. Evfemik graduonimiyada aynanlik va farqlilik tamoyili	86
Ubaydullayeva Z.H. Hissiyot tushunchasi va hissiyotlar lingvistikasi	89
Xusainova Sh.E. Tibbiyot sohasi misolida termin va tushuncha munosabati	93
Абдувалиев М.А. Ўзбек тилида тўсиқсизлик концептини воқелантирувчи лексик бирликлар	95
Азимов У.С. Оддий фольклоризм: таржима ва аслият	98
Бегимов О.Т. Сарик сўзининг апеллятив ва ономастик сатҳда қўлланиш хусусиятлари	101
Вахабова М.Т. Становление лингвокультурологии как самостоятельной научной дисциплины	104
Есемуратова У.Х. «Давлетярбек» дostonи ва дostonдаги образлар	107
Казакow И.Р. Қорақалпоқ тилшунослигида лингвокультурологик талқинлар	110
Мадалов Н.Э. Инглиз ва ўзбек тилларидаги табиат ҳодисаси билан боғлиқ мақолларда синоним ва антоним муносабатларини ифодаланиши	114
Мамурова М.М. "Ғазнавийлар" романида халқ оғзаки ижоди намуналарининг ўрни ва туш мотиви	118
Мақсетова З.Ш., Джолдасова Г.Б. Инсон интеллектуал қобилятин ифодаловчи фразеологик бирликлар таҳлили	121
Минаварова Г.М. Заимствование – как процесс развития языка	124

Низомова Ш.Ш. Замонавий шеъриятда сув ва олов билан боғлиқ образларнинг поэтик вазифаларда ифодаланиши	126
Рузиева М.Х. Замонавий тилшуносликда лисоний шахс тушунчаси	129
Сарсенбаев Қ.Ж. Т.Қайипбегеновнинг “Муғаллимге раҳмет” повести	132
Султанова З.С. Умар Хайём рубоиёти таржималарининг хусусиятлари	135
Тухтасинова Н.Б. Научно-теоретические основы исследования агниографических произведений	140
Убайдуллаева Д.Р. Шарт компонентли гипотаксемаларнинг семантик ва коммуникатив-прагматик турлари қиёсий тадқиқи	147
Хайдаров А.А., Юнусова М. Полисемиянинг асосий манбалари	149

ассамблея, глобус, апоплексия, акт, генерал, фляжка, школа и др. многие из которых настолько прижились в русском языке, что только лингвисты знают об их иноязычном происхождении.

Поэтому латинизмы и грецизмы делятся на *прямые и опосредованные*. Языками-посредниками чаще всего были французский, английский, немецкий, итальянский и польский языки. Так многие европейские слова заимствованы русским языком через посредство польского, например, **музыка** (слово греческого происхождения, пришедшее в русский язык через Европу и Польшу), слово **рынок** (польского *rynok* тем же значением, возникшего, в свою очередь, из немецкого *Ring- кольцо, круг*) и др. Есть заимствования с очень долгой и сложной историей, например, слово «**лак**»: в русский язык оно пришло из немецкого или голландского, в эти языки – из итальянского, итальянцы же его заимствовали скорее всего у арабов, к которым оно попало через Иран из Индии.

Прямые заимствования – это те, которые пришли в другие языки непосредственно из языка-источника (латинского). К ним относятся ряд некоторых латинских слов:

Латинское слово	Английское слово
Singularis	singl
pluralis	plural
longus	long
muscularis	muscular
superior	superior
internus	internal
externus	external

Anamnesis – ana (повторение действия) mnesis (память) - воспоминания о болезни

Metamorphosis – meta (перерождение) - morpho (вид, форма) - выход за пределы формы

Encephalon – en (в, внутри) cephalo (голова) - внутренний головной мозг.

Аллерген - (allos – другой, ergia - действие) -

Prognosis – pro(передний, впереди) - gnosis (знание) - предсказание, предугадывание

Анорексия - an (отрицание) orexo (желание) – отсутствие желания кушать

Трансплантация - (trans - через, plantation - посадка) - пересадка

Антарктика - (anti - против Arktica - медведица) место против медведей, медведи там не водятся, там живут пингвины

Астигматизм (a – отсутствие, stigma - точка)

Progeria - pro(передний, впереди) geri,geronto (старый, старческий – преждевременное старение)

Декстракардия (dexter - правый, cardio - сердце) – правостороннее расположение сердца

Ностальгия (nostos - возвращение на Родину, algia - боль).

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Барлас Л.Г. Русский язык. Введение в науку о языке. Лексикология. Этимология. Фразеология. Лексикография: Учебник под ред. Г.Г. Инфантовой. – М.: Флинта: Наука, 2003
2. Минаварова Г.М. Аспекты обучения профессиональному языку студентов медвузов *Scientific Bulletin of NamSU - Научный вестник - NamDU ilmiy axborotnomasi - 2022_2-сон*

УЎК 882-1

ЗАМОНАВИЙ ШЕЪРИЯТДА СУВ ВА ОЛОВ БИЛАН БОҒЛИҚ ОБРАЗЛАРНИНГ ПОЭТИК ВАЗИФАЛАРДА ИФОДАЛАНИШИ

Ш.Ш.Низомова, PhD, Бухоро Давлат Университети, Бухоро

Аннотация. Ушбу мақолада замонавий шеъриятда сув ва олов билан боғлиқ образларнинг поэтик вазифаларда ифодаланиши хусусида фикр юритилган. Унда сув билан ишловчи шахслар, ўсимликлар, сув транспорт воситалари поэтик образлари таҳлилга тортилган

Калит сўзлар: шеърият, маросим, оилавий-маиший маросим, тасвир, табиат ҳодисалари

Аннотация. В данной статье рассматривается выражение образов, связанных с водой и огнем, в поэтических задачах в современной поэзии, анализируются поэтические образы людей, работающих с водой, растениями, водными транспортными средствами.

Ключевые слова: поэзия, цермония, семейная цермония, образ, природные явления

Abstract. This article discusses the expression of images related to water and fire in poetic tasks in modern poetry. It analyzes the poetic images of people working with water, plants, and water transport vehicles.

Keywords: poetry, ceremony, family-life ceremony, image, natural phenomena

Ўзбек замонавий шеърятда сув билан ишловчи шахслар: сувчи, мешкобчи, ғаввос; сув жониворлари: балик, илон, кундуз, ўрдак, ғоз, оққуш; сувга алоқадор дарахт ва гуллар, ўсимликлар: мажнунтол, нилуфар, сув ўти; сув идишлари: кўза, коса, пиёла, челак, чойнак; сув транспорт воситалари: кема, қайиқ, елкан, сол ва ҳоказоларнинг поэтик образлари, албатта, бирор жиҳати билан севги, оила, интим кечинмалар, фарзанд ва фаровон турмуш ғоялари билан боғланади. Бу миллий шеърятимизда халқ кўшиқларидан бошлаб юзага келган ўзига хос анъана туфайли келиб чиққан бадий қонуниятдир.

Сув билан ишловчи ғаввос, мешкобчи, сувчи образлари шеърятда ўзига хос бадий вазифада талқин этилади. Аслида ғаввос – сув тубида махсус мослама билан юривчи инсон. Ғаввослар ҳаётда сув остини текшириш ёки унинг бағридан бойликлар олиб чиқиш вазифасини бажаришади. Айниқса, денгиз тубидан марварид олиб чиқиш учун маҳоратли ғаввос бўлиш талаб этилади. Шунинг учун шеърятда баъзан сўзни чиройли териб, гўзал шеърлар ярата олган маҳоратли шоирлар бевосита ғаввосларга ўхшатилади. Шундай ўхшатиш Садриддин Салим Бухорий шеърларидан бирида учрайди:

Олиб чиққай денгиздан дур
Ғаввос сенга, қийнаб жон.
 Бахш этмоқ-чун сенга хузур
 Шоирлар битар дoston [1].

Кўринадики, шеърда шоир тимсоли ғаввосга ўхшатишмоқда. Дарҳақиқат, ғаввос жонини қийнаб денгиз тубидан олиб чиққан дури билан инсонларга завқ бағишласа, шоир ўз қалбидан олиб чиққан сўз дурлари билан кишиларга хузур бағишлайди.

Сиз, эй лутф баҳрида **ғаввос**,
 У сизни соғиниб кетди.
 Деманг, шоир жимиб кетди,
 Ғазал ёзмай тиниб кетди [2].

Ушбу мисраларда ҳам шоир тўппадан-тўғри лутф баҳри (денгизи)нинг ғаввоси деб аталмоқда.

Ўтмишда **меш** (сув солиб кўтаришга мўлжалланган тери мослама) билан сув ташувчи кишини **мешкобчи** дейишган. Мешкобчилик қадимий касблардан биридир. Азалдан ўзбек тўйларида хос хизматкорлар хизмат кўрсатишган. Улар хизматига қараб турлича номланган. Жумладан, совчи, дастурхончи, қайвони, баковул, мешкобчи каби. «Алпомиш» достонида золим Ултонтоз отаси Бойбўри султонни эғнига қора меш осиб, тўйда сув ташиб хизмат қилишга мажбур қилади [3].

Замонавий шоирлар тарихий мавзуларда шеърлар ёзмоқчи бўлсалар, ана шу қадимий сувчилик касбларидан бири саналган мешкобчилик мавзусига ҳам ишора қилиб ўтадилар. Масалан:

Юрагим мисоли Бухоро,
 Муқаддас – тунлари, кундузи,
 Дарёлар қуриса ҳамки ҳеч
 Қуримас чашмаси, ҳовузи.
 Юрагим мисоли Бухоро,
 Намоён шодлиги, азоби.
 Ул сўнгги хаттоти хат битар,

Сув тутар энг сўнги мешкоби [4].

Муҳаммад Юсуфнинг «Бободехқоним» шеърида **сувчи** образи келтирилган. Чунки деҳқон мохир сувчи ҳам бўлиши талаб этилади:

Қора денгиз бўйларида
Ким кезар жон яйратиб? [5]
Оби ҳаёт таратгувчи
Буюк сувчи ўзингсан.

Шоир деҳқонни худди Юсуф Хос Ҳожиб ҳамда Алишер Навоийлар сингари «Инсонга ризқ-рўз улашувчи» сифатида таърифлашни мақсад қилар экан, буни образли тарзда амалга ошириш учун уни «буюк сувчи» таърифи билан беради. Бу билан у деҳқончиликни сувдан айри тасаввур қилиб бўлмаслигини ўзига хос тарзда эслатади. Дарҳақиқат, деҳқон қишин-ёзин даласидан нари кетмайди. Унга Қора денгиз бўйларидек сўлим ва баҳаво жойларга бориб дам олиб келиш туйғуси бегона.

Шеърларда ҳаёти бевосита сув билан боғлиқ балиқ, илон, кундуз, қурбақа сингари жониворлар ҳамда ўрдак, ғоз, оққуш сингари парранда ва қушлар, кўпинча сув бўйида ёки сув ичида униб-ўсадиган дарахт ёки гул, ўсимликлар образи ҳам учрайди.

Дарёлар адашди юрар йўлидан,
Ёмғирлар адашди, қорлар адашди.
Ўрдак билан ғози учди кўлидан,
Тақдири чалкашиб ёрлар адашди [6].

Ш.Турдимов халқ кўшиқларида ғоз ва ўрдак образлари кўпинча ёнма-ён қўлланишини, бундай ўринларда улар бир-бирига зид поэтик маъно ифодаловчи антоним рамзларга айланишини билдиради [7]. Дарҳақиқат, О.Ҳожиевадан келтирилган юқоридаги мисраларда ҳаётнинг ҳар доим бир текисда кечмаслиги, инсон бошига баъзан синовли, машаққатли, муаммоли кунлар тушиши, айниқса, муҳаббат бобида икки севишганлар тақдири боғланмай, ўзга бировга ёр бўлишса, гўё дарё ўз йўлини, ўзанини ўзгартиргани, ёмғир-қорлар адашгани, ўрдак ва ғоз қўлдан учиб, ҳафсала пир бўлгани каби туюлади. Юқоридаги сатрларда ана шу холат халқона оҳангларда ифодаланган.

Ҳиндлар ва эскимослар майитни сувга, балиқларга ташлаганлар. Шунинг учун **балиқ** бу халқлар орасида муқаддас жонивор ҳисобланади ва у ҳомий куч сифатида эпик талқин қилинади.

Хоразмликлар эътиқодига кўра, балиқлар подасининг эгаси сув ости дунёси хўжайини Сочли отадир. Бунга Убю образи ҳам жуда яқин. Бу образ антропоморф шаклидаги сувга алоқадор руҳ бўлиб, Жанубий Қозоғистон аҳолиси орасида ҳам кенг тарқалган. У муқаддас шахс эмас, мифик жонзот бўлиб, сувда яшайди ва балиқ подасини боқади. У сочлари ўсган, баҳайбат махлуқ сифатида тасаввур қилингани учун Сочли ота, Чочли ота деб юритилади. Балиқчилар сувга қармоқ ташлашдан олдин, унга:

Балиқчи ота, бакчи ота,
Уни боққан сочли ота, – дея мурожаат этишади.

Бундай образ славян ва туркий халқлар фольклорида ҳам учрайди. Масалан, туркманларда «сув одами» образи сақланган [8].

Халқ олов тимсоли орқали **фарзанд маъноси**ни ҳам ифода этган. Бу болаларга кўйиладиган Оловиддин, Оташбой, Гулхан исмлари мисолида ҳам ўз тасдиғини намоён эта олади. Лекин кейинчалик фарзанд маъноси олов образидан унинг атрибути бўлган чироқ образига кўчирилган. Шунинг учун кўпинча ота-оналарнинг ўз фарзандига тўппадан-тўғри «чироғим» деб айтиши кузатилади. Бу билан фарзандларнинг ота-она руҳига ису чироқ қилиб туриши одатига ишора қилинмоқда. Демак, «Ўғил ёққан чироқни, қиз ҳам ёқар» мақолининг маъноси қиз фарзанд ҳам оила куриб, фарзанд кўрар экан, ота-онаси номи, чироғи ўчмаслигини таъминлайди.

Кўринадики, чироқ кўчими, одатда, ўғил ва қиз фарзандларга нисбатан тенг қўлланилаверади. **Чироқ** – олов аналогларидан бири.

Тоғларим қаерда, чўлларим қани?

Одамларим, қайларга кетгансиз йирок?
 Қаршимда товланган йўлларим қани,
 Қайдасан чирок?
 Тугади!
 Тугади ҳамма оловим [9].

Нурга талпинмоқ тушунчасида яхшиликка, ёруғликка интилиш ғояси мужассам.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий шоирлар ижодида сув ва олов билан боғлиқ турли нарсаларнинг ҳар хил маъноларда, турфа кўринишларда образлантирилгани кузатилади. Бу эса бадий-эстетик анъана сифатида давом этиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Садриддин Салим Бухорий. Темур сўзи. / Бухорога Бухоро келди. Шеърлар. – Тошкент: «Маънавият», 1999. – Б.94.
2. Воҳидов Э. Деманг, шоир тиниб кетди. / Орзули дунё: Шеърлар. – Тошкент: «Шарқ», 2010. – Б.49.
3. Алпомиш. Ўзбек қаҳрамонлик эпоси. – Тошкент: «Фан», 1999. – Б.350.
4. Садриддин Салим Бухорий. Бухорога Бухоро келди. Шеърлар. – Тошкент: «Маънавият», 1999. – Б.44.
5. Муҳаммад Юсуф. Биз бахтли бўламиз. Шеърлар тўплами. – Тошкент: «Nihol», 2008. – Б.46.
6. Ҳожиева О. Паноҳим. (Шеърлар ва ҳикоялар). – Тошкент: «Шарқ», 1998. – Б.11.
7. Турдимов Ш. Халқ қўшиқларида рамз. – Тошкент: «Фан», 2020. – Б.20.
8. Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – Б.314.
9. Усмон Азим. Фонус. Шеърлар тўплами. – Тошкент: «Sharq», 2010. – Б.45.

УЎК 811

ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИҚДА ЛИСОНИЙ ШАХС ТУШУНЧАСИ

М.Х.Рузиева, таянч докторант, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Мақола антропоцентрик тилшуносликнинг Марказий атамаларидан бирига бағишланган. Муаллиф тарихий ретроспектда "лингвистик шахс" атамасини талқин қилиши муаммосини ўрганади, тилшуносларнинг лингвистик шахс тушунчаси ва муаммоларига турли ёндашувларини таҳлил қилади, ушбу ҳодиса ва унинг таркибий қисмларини ўрганиши йўналишларини ўрганади; жорий атамадан фойдаланиши истиқболларини белгилайди.

Калит сўзлар: лингвистик шахс, тилшунослик, лингвистик шахс даражалари, лингвистик шахснинг таркибий қисмлари ва турлари, нутқ фаолияти, илмий парадигма.

Аннотация. Статья посвящена одному из центральных терминов антропоцентрической лингвистики. Автор рассматривает проблему толкования термина «языковая личность» в исторической ретроспективе, анализирует различные подходы лингвистов к понятию и проблематике языковой личности, исследует направления в изучении данного феномена и входящие в него компоненты; намечает перспективы использования актуального терминологического обозначения.

Ключевые слова: языковая личность, лингвистика, уровни языковой личности, компоненты и типы языковой личности, речевая деятельность, научная парадигма.

Abstract. The article is devoted to one of the central terms of anthropocentric linguistics. The author examines the problem of interpretation of the term "linguistic personality" in historical retrospect, analyzes the various approaches of linguists to the concept and problems of linguistic personality, explores the directions in the study of this phenomenon and its components; outlines the prospects for the use of the current term.

Keywords: linguistic personality, linguistics, levels of linguistic personality, components and types of linguistic personality, speech activity, scientific paradigm.

Лисоний шахс тушунчасининг фаолияти тилшунослик фанининг терминологик аппарати билан чегараланмайди. Кўп сонли турли хил гуманитар фанлар бунга ўз ҳуқуқларини ҳақли равишда даъво қиладилар: бу атамани рус тили тарихи, психология, фалсафа, адабиётшунослик, лингводидактика ва бошқа фанлар бўйича тадқиқотларда топиш мумкин. "Лисоний шахс-бу тил ўрганишининг барча жабҳаларини қамраб оладиган ва шу

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ

№1/3 (97)
2023 й., январь

Ўзбекча матн муҳаррири:	Рўзметов Дилшод
Русча матн муҳаррири:	Ҳасанов Шодлик
Инглизча матн муҳаррири:	Мадаминов Руслан, Ламерс Жон
Мусахҳих:	Ўрозбоев Абдулла
Техник муҳаррир:	Шомуродов Журъат

“Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси” Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
Хоразм вилоят бошқармасида рўйхатдан ўтган. Гувоҳнома № 13-023

Теришга берилди: 06.01.2023
Босишга рухсат этилди: 12.01.2023.
Қоғоз бичими: 60x84 1/8. Адади 70.
Ҳажми 12,3 б.т. Буюртма: № 1-Т

Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими
220900, Хива, Марказ-1
Тел/факс: (0 362) 226-20-28
E-mail: mamun-axborotnoma@academy.uz
xma_axborotnomasi@mail.ru



(+998) 97-458-28-18